*Tibbiyotning oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir*

*Высшее благо медицины — здоровье*

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган  E-mail: uzss@inbox.ru  2007 йил 3-9 апрель № 13 (528)  Сешанба кунлари чиқади

*Ҳайъат йиғилиши*

## ЮТУҚЛАР БАРОБАРИДА...

**2007 йилнинг 30 март куни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди**

Йиғилишни Соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назиров кириш сўзи билан очиб, Ижтимоий ҳимоя йилидаги асосий вазифалар ҳамда Республика даволаш-профилактика муассасаларидаги фаолиятлар, айниқса, таълим тизими йўналишлари, кадрлар ҳамда молиявий аҳвол билан боғлиқ масалаларга алоҳида урғу берди.

Кун тартибида учта долзарб масала кўриб чиқилди. Мутахассислар «Республикада аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам нуқсонларининг суд-тиббий экспертиза орқали баҳоланиши натижалари», «Соғлиқни сақлаш тизимида 2006 йил давомида инвестиция дастурларининг бажарилиши хусусида», «Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ўртасидаги 2004-2006 йиллар учун тузилган Жамоа келишувининг 2006 йилда бажарилиши ва 2007-2009 йилларга мўлжалланган Жамоа келишуви тўғрисида»ги мавзуларда маъруза қилишиб, қўлга киритилган ютуқлар баробарида баъзи муаммо ва камчиликларни таъкидладилар.

Йиғилиш сўнгида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Намоз ТОЛИПОВ.**

*Форум*

## ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР МАСАЛАСИ

***Жорий йилнинг 28 март куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Аёлнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, оналик ва болалик муҳофазаси масалаларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши» мавзуида форум бўлиб ўтди.***

Тадбир Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси ҳамда «Оила ва жамият» газетаси таҳририяти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Миятда тутган ўрни, оналик ва болаликнинг муҳофазаси мавзуларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилаётганлиги тўғрисида ўз фикрларини билдирдилар. Бунинг баробарида айрим нодавлат матбуот нашрларида ушбу мавзулар талаб даражасида ёритилмаётганлигини ҳам эътироф этдилар.




Йиғилишни фонд директори Ж. Ҳакимов кириш сўзи билан очиб, олиб борилаётган ислоҳотларда хотин-қизларнинг ўрни, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби долзарб мавзуларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиш масалалари хусусида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар аёлнинг оила ва жамиятда тутган ўрни...

Тадбир баҳс-мунозарага бой бўлиб, иштирокчилар томонидан юқоридаги мавзулар бўйича таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

Форум якунида эзгу ниятларни амалга ошириш мақсадида Фонд қошида жамоатчилик асосида фаолият юритувчи хотин-қизлар йўналишига ихтисослашган босма нашрлар ҳамда манфаатдор ташкилотлар вакилларидан иборат кенгаш тузилди.

**Ибодат СОАТОВА.**

## Саховат

*Мурувват асли не — мурувват бир йўл,*
*Бир йўлки манзили юрак бўлади.*

*Хаста бир кўнгилни шод этгани он,*
*Мурувват энг олий неъмат бўлади.*



**Қалбларга ўзгача шукуҳ олиб кирган Наврўзи олам Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов туманидаги 24-болалар уйи тарбияланувчиларига ҳам шодлик ва қувонч улашди. Болажонлар қалбига байрам тафтини улашган Тошкент Тиббиёт Академияси 1-клиника жамоаси уларга баҳорнинг тансиқ таомлари ва қимматбаҳо совғаларини ҳадя этишди.**

*(Ушбу тадбир тафсилотлари ва 24-болалар уйи фаолияти тўғрисида газетанинг кейинги сонларида танишасиз).*

*Брифинг*

***Охрана матери и ребенка - это главная задача, для выполнения которой уделяется самое пристальное внимание и забота. На пути осуществления данной цели Министерство здравоохранения Республики Узбекистан ведет тесное сотрудничество с международными организациями, внедряются в действие новые проекты. Примером результативной деятельности является сотрудничество Минздрава и Детского фонда ООН UNICEF.***




## ГЛАВНАЯ ЗАДАЧА СОТРУДНИЧЕСТВА

30 марта в офисе UNICEF прошел брифинг для журналистов, на котором участвовали специалисты организации и представители средств массовой информации. Главной целью проведения данного мероприятия является сплочение журналистов и их подробное информирование с деятельностью UNICEF.

Текущая деятельность организации проводится в рамках программы 2005-2009 годов по шести направлениям, в которые входит защита прав ребенка, здравоохранение и питание, раннее развитие ребенка и качественное образование, семейное образование (обучение семей уходу за ребенком), улучшение финансирования и понимание ребенка, ВИЧ/СПИД и молодежь (предотвращение распространения инфекции, защита, поддержка и уход за детьми, пострадавшими ВИЧ/СПИДом). В ходе брифинга, участникам был продемонстрирован документальный фильм «Вакцина Акция 2007», посвященный мероприятию по вакцинации молодежи против краснухи и кори, проведенном UNICEF при поддержке Министерства здравоохранения и международного Агентства USAID. Специалистами Детского фонда ООН Б. Турдиевым и Н. Эгамбердиевой были представлены планы последующей деятельности. К тому же, было намечено проведение поездок специалистов UNICEF с журналистами по регионам нашей республики, для ознакомления с делами, проводимыми по всей стране.

Взаимное сотрудничество - это гарант завтрашнего успеха и достижения намеченных целей, особенно если это направлено на охрану здоровья детей. И пусть этот брифинг станет своеобразным скачком у ожидаемому успеху.

**Ирода ИЛЬХАМОВА.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: ТЕЛ.: 133-13-22, 133-57-73

# 7 апреля – Всемирный день Здоровья

***31 августа 1991 года - день независимости Республики Узбекистан, великая дата, отмеченная золотыми буквами в летописи нашей страны. С приобретением независимости по всей республике началось коренное реформирование всех отраслей народного хозяйства. Значительные прогрессивные изменения, направленные на улучшение здоровья населения, произошли и в сфере здравоохранения.***



# РЕФОРМЫ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ В ДЕЙСТВИИ

В 1998 году Указом Президента Республики Узбекистан была принята Государственная программа, которая определила поэтапный подход к формированию Национальной модели здравоохранения. Основными направлениями реформ в здравоохранении стали:

** принципиально новые подходы к построению системы здравоохранения, развитию его инфраструктуры, направленные на создание равных условий получения первичной медицинской помощи, как в городской, так и в сельской местности;*

** новый концептуальный и практический подход в вопросах материнства и детства, направленный на создание условий для рождения и воспитания здорового поколения;*

** создание принципиально новой системы экстренной медицинской помощи населению на всех административно-территориальных уровнях;*

** отказ от старых стереотипов, значительное расширение финансовых источников отрасли; в том числе за счет развития платного и частного здравоохранения;*

** оптимизация системы финансирования отрасли, в первую очередь, за счет концентрации бюджетных средств на первичном звене, амбулаторно-поликлиническом лечении и профилактике вместо неэффективного использования дорогостоящего коечного фонда.*



В целях совершенствования нормативно-правовой базы системы здравоохранения было принято свыше 60 нормативно-правовых документов, из которых 6 Законов, свыше 30 постановлений правительства, 17 нормативных и свыше 100 отраслевых документов. В частности, внесены изменения и дополнения в действующие Законы Республики Узбекистан: «Об охране здоровья граждан», «О государственном санитарном надзоре», «О профилактике заболевания СПИД», «О лекарственных средствах и фармацевтической деятельности», «О принудительном лечении больных алкоголизмом, наркоманией или токсикоманией», «Об образовании».

Введены в действие Законы «О профилактике заболевания, вызываемого вирусом иммунодефицита человека (ВИЧ-инфекции)», «О наркотических средствах и психотропных веществах», «О психиатрической помощи гражданам», «О защите населения от туберкулеза», «О донорстве крови и ее компонентов».

Укрепление и развитие первичного звена здравоохранения, особенно в сельской местности стало наиболее важным направлением Государственной программы реформирования здравоохранения нашей страны. Учитывая то, что более половины населения Узбекистана проживает в сельской местности, охране их здоровья было уделено особое внимание. Проведена значительная работа по реструктуризации сети объектов сельского здравоохранения и осуществлен переход от ранее существовавшей многоступенчатой системы к двухступенчатой системе (сельский врачебный пункт - центральная районная больница) первичной медико-санитарной помощи. На сегодняшний день по республике организовано более 3100 сельских врачебных пунктов.

В Узбекистане в 1999-2004 годах был реализован проект «Здоровье – 1», направленный на укрепление и реформирование первичного звена здравоохранения в Ферганской, Навоийской, Сырдарьинской, Хорезмской областях и в Республике Каракалпакстан.

В результате, в пилотных регионах республики, по сравнению с 1998 годом увеличилось количество посещений в СВП в два раза, снизилось количество направлений на консультацию к специалистам на 33,5 %, госпитализацию в стационар на 26,8 %, что свидетельствует о возросшем доверии и доступности сельского населения к медицинским услугам, представляемым в СВП.

Сегодня положительный опыт проекта «Здоровье – 1» распространяется на все регионы республики в рамках проекта «Здоровье – 2», предусматривающего оснащение СВП современным медицинским оборудованием и введение системы непрерывной подготовки врачей общей практики за счет кредита Международной ассоциации развития на сумму 40 млн. долларов США.

Параллельно с развитием первичного звена, осуществлялось сокращение неэффективно действующего стационарного звена здравоохранения. С 1991 года количество больничных учреждений сокращено на 31 %, а количество стационарных коек на 47 %.



Охрана материнства и детства является приоритетным направлением реформирования системы здравоохранения и возведена в ранг Государственной политики. В стране реализуется ряд крупномасштабных Государственных программ, направленных на повышение медицинской культуры в семье, укрепление здоровья женщин, рождение и воспитание здорового поколения. Ежегодно проводятся профилактические осмотры с целью выявления женщин с факторами риска и экстрагенитальными заболеваниями. Так, в 2006 году у 71,3 % женщин фертильного возраста выявлены различные соматические заболевания, их них в амбулаторных и стационарных условиях оздоровлено более 80 % женщин.

Создана система скрининга врожденных заболеваний у новорожденных. Неонатальным скринингом охвачены до 70 % беременных женщин, что позволило снизить интенсивный показатель рождения детей с врожденными аномалиями на 14 %.

Постоянное внимание уделяется повышению квалификации специалистов, работающих в области охраны материнства и детства. Только в Харьковской медицинской академии последипломного образования повысили квалификацию 358 специалистов.

В целях профилактики железодефицитной анемии среди населения страны с 2005 года реализуется «Национальная программа по фортификации муки», финансируемая за счет гранта Глобального альянса по улучшению питания на сумму 2,8 млн. долларов США. В рамках программы, предприятиями АК «Уздонмахсулот» в семи регионах республики произведено и реализовано более 360 тыс. тонн фортифицированной муки.

С целью укрепления материально-технической базы учреждений родовспоможения реализуется инвестиционный проект «Укрепление здоровья женщин и детей», финансируемый АБР на 40,0 млн. долларов США. В рамках проекта оснащаются современным медицинским оборудованием 96 родильных учреждений 6 регионов страны (Республика Каракалпакстан, Хорезмская, Бухарская, Кашкадарьинская, Ташкентская и Ферганская области) и станции переливания крови во всех регионах страны.

Реализуя идеи руководителя страны, сформирована целостная система оказания экстренной медицинской помощи населению. Сегодня успешно функционируют Республиканский научный центр экстренной медицинской помощи (РНЦЭМП), его областные филиалы и филиал в городе Нукусе, а также субфилиалы в каждом районе в виде отделений экстренной медицинской помощи при центральных районных и городских больницах. В целостную систему экстренной медицины входит также служба скорой помощи «03» и санитарная авиация.

Ежегодно более 6 миллионам жителям республики оказывается гарантированная государством, бесплатная экстренная медицинская помощь.

С целью дальнейшего улучшения качества и уровня услуг службы экстренной помощи, Правительством республики Узбекистан принимаются меры по подготовке кадров, оснащению подразделений Службы современной лечебно-диагностической техникой и инструментарием.

Только в 2006 году прошли обучение около 400 врачей, в том числе около 20 врачей в клиниках ближнего и дальнего зарубежья: России, Германии, Великобритании, Турции, Индии и в Арабской республике Египет.

Сегодня Республиканский научный центр экстренной медицинской помощи оснащен самым современным лечебным и диагностическим оборудованием. Парк скорой помощи постоянно пополняется современными машинами, оснащенными необходимым оборудованием и средствами связи. В целях дальнейшего укрепления материально-технической базы учреждений службы осуществляется проект «Оснащение РНЦЭМП и его региональных филиалов» за счет кредита Исламского банка развития на сумму 23,8 млн. долларов США.

В столице и областях республики построены, реконструированы и введены в строй целый ряд крупных объектов. В период за 1999-2006 гг. из бюджета на строительство объектов здравоохранения направлено более 7,5 млрд. сум капвложений, на оснащение современным оборудованием более 40 млрд. сум.

Укрепление материально-технической базы лечебно-профилактических учреждений путем привлечения иностра-

**(Продолжение на 3-й стр.)**

# РЕФОРМЫ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ В ДЕЙСТВИИ



ных инвестиций осуществляется не только в рамках указанных выше проектов. За последние 10 лет Правительство Японии предоставило Узбекистану более 26,0 млн. долларов США, а также в рамках Грантов малого масштаба на 2,4 млн. долларов США для оснащения необходимым медицинским оборудованием, инвентарем, вакцинами. В настоящее время также реализуется проект «Улучшение первичной медицинской помощи в Ташкентской и Джизакской областях» на 595 млн. йен.

Реализуется проект Глобального фонда по ВИЧ/СПИДу, туберкулезу и малярии на общую сумму более 40 млн. долларов США. Уместно отметить, что только 2 страны Европейского региона - Узбекистан и Грузия получили гранты Глобального фонда по всем трем заболеваниям.

В целом, по Министерству здравоохранения осуществляется реализация 10 инвестиционных проектов за счет привлеченных средств иностранных инвестиций на общую сумму более 133,7 млн. долларов США.

Необходимо отметить плодотворную работу международных организаций, подразделений Организации Объединенных Наций, внесших большой вклад в оздоровление населения страны: Всемирная Организация Здравоохранения (ВОЗ), Детский Фонд (ЮНИСЕФ), Фонд Народонаселения (ЮНФПА), а также международные Агентства: ЖАЙКА (Япония), ЮСАИД (США), ГТЦ (Германия), КОИКА (Республика Корея), МАШАВ (Израиль) и другие.

Качество оказываемой населению медицинской помощи в значительной степени зависит от уровня профессионализма медицинских работников и реформы в здравоохранении не могли не коснуться системы подготовки и переподготовки кадров. В республике осуществлен переход на двухуровневую систему высшего медицинского образования, состоящую из бакалавриата и магистратуры. Организована Ташкентская медицинская академия. Это дало возможность более качественно готовить специалистов к выполнению лечебно-диагностической, профилактической и организационной работы.

(Продолжение. Начало на 2-й стр.)

В соответствии с Государственной программой реформирования системы здравоохранения в медицинских вузах страны в 2000 году был осуществлен первый выпуск врачей общей практики. За 2000-2006 годы институты окончило 9182 врача общей практики.

Вместе с тем, учитывая дефицит узких специалистов в регионах, Министерством здравоохранения восстановлена целевая клиническая ординатура по подготовке узких специалистов для областей. С текущего года введен принцип областного квотирования при приеме в клиническую ординатуру с последующей отработкой на местах. При этом Министерство здравоохранения увеличило подготовку в клинической ординатуре до 1000 специалистов в год.

С целью оказания населению республики высококвалифицированной и высокотехнологичной медицинской помощи в соответствии с Указом Президента № УП-3214 от 23.01.2003 года «О мерах по дальнейшему реформированию системы здравоохранения» созданы и успешно функционируют 4 республиканских специализированных центра кардиологии, хирургии, урологии и микрохирургии глаза.

Из года в год увеличивается количество больных, пролеченных в Республиканских специализированных центрах. Если в 2004 году было пролечено 18267 больных, то в 2006 году количество их достигло 28525 человек.

Ежегодно в Центрах выполняется более 10 тысяч оперативных вмешательств и диагностических процедур, из которых более 40 % составляют высокотехнологичные операции на сердце и легких, магистральных сосудах, печени и поджелудочной железе, пищеводе и желудке, мочевыводящих путях и т.д.

Благодаря усилиям Правительства, Министерства здравоохранения, других министерств и ведомств, в стране удалось сохранить санитарно-эпидемиологическое благополучие, несмотря на напряженную ситуацию по многим инфекционным заболеваниям в соседних государствах и других регионах мира.

В результате проводимых комплексных мероприятий в республике на протяжении ряда лет не регистрируются случаи заболеваний карантинными и особо опасными инфекциями, с 1995 года - полиомиелита, с 2001 года - дифтерии, в течение 30 лет - случаи столбняка новорожденных. За последние 10 лет не регистрируются летальные исходы от кори. Число больных паратифами снизилось в 50 раз, коклюшем - в 8, бруцеллезом - в 4, другими сальмонеллезными инфекциями - в 4,4, бактериальной дизентерией - в 3,6, вирусными гепатитами - в 5-7 раз.

За годы независимости, в соответствии с Государственной программой, совершенствуется система финансирования отрасли.

В Андижанской, Сырдарьинской, Навоийской, Ферганской, Хорезмской областях и в Республике Каракалпакстан внедрен прогрессивный механизм финансирования учреждений первичного звена здравоохранения по нормативам из расчета на одного жителя с учетом показателей здоровья населения в регионе.



В этом году переводятся на новые методы финансирования учреждения первичной медико-санитарной помощи Джизакской, Кашкадарьинской, Самаркандской и Ташкентской областей.

В виде эксперимента осуществляется перевод отдельных городских поликлиник на принципы работы врача общей практики и на условия финансирования исхода из норматива затрат в расчете на одного жителя.

Внимание государства о здоровье народа проявляется в постоянном увеличении объема бюджетных средств на здравоохранение. Так, по сравнению с 1999 годом этот показатель увеличился в 7,4 раза и составил 480,8 млрд. сум.

Расширяются объемы и источники финансирования системы здравоохранения. Так, если в 1999 году дополнительно к бюджету поступило 1,6 млрд. сум, то в 2006 году - 34,7 млрд. сум в основном за счет оказания платных медицинских услуг и спонсорской помощи.

Одним из направлений реформирования является формирование рынка медицинских услуг и негосударственного сектора здравоохранения.

Процесс приватизации и разгосударствления в системе здравоохранения осуществляется с 1994 года. За прошедший период приватизировано 1122 объекта здравоохранения.

В период с 1999 года выдано 1724 лицензий юридическим лицам и 2109 лицензий физическим лицам на индивидуальную врачебную деятельность.

Важнейшими направлениями реформ является создание организационных и практических условий для повышения качества медицинской помощи, повышение роли и престижа медицинских работников, совершенствование системы оплаты и материального стимулирования их труда.

В соответствии с Постановлением Президента от 01.12.2005 года № ПП-229 «О совершенствовании системы оплаты труда медицинских работников» с 1 января 2006 года введена усовершенствованная система оплаты труда медицинских работников, предусматривающая оплату труда с учетом объема, степени сложности и качества оказываемой медицинской помощи.

В 2006 году средняя заработная плата медицинских работников увеличилась в 2,2 раза против 2005 года, что существенно превышает темпы роста в большинстве других отраслей бюджетной сферы.

Принятие Закона Республики Узбекистан «Об установлении дня медицинских работников Республики Узбекистан» и утверждение Постановлением Кабинета Министров нагрудного знака «Отличник здравоохранения» повысило авторитет и явилось дополнительным стимулом для медицинских работников.

Суммируя всё вышесказанное, следует отметить, что Правительством уделяется большое внимание вопросам охраны здоровья населения республики.

По мере экономического роста и благодаря проводимым реформам, начали отчетливо проявляться позитивные тенденции в сфере здравоохранения. Продолжительность жизни населения в 1999 году была восстановлена до уровня 1990 года и в настоящее время продолжает расти. За последние 10 лет уровень общей смертности снизился на 22 %, показатели младенческой смертности на 68 % и материнской смертности на 38 %.

Успехи в области здравоохранения Узбекистана признаны ВОЗ, ЮНИСЕФ и другими авторитетными международными организациями.

Сегодня, во исполнение Распоряжения Президента № 2658 от 22 января 2007 года, разрабатываются комплексные мероприятия по дальнейшему развитию системы здравоохранения, предусматривающие:

** формирование современной организационной структуры здравоохранения с эффективной вертикалью управления;*

** создание и развитие высокотехнологичных специализированных научно-практических медицинских центров по отдельным отраслям здравоохранения;*

** кардинальное повышение эффективности деятельности сельских врачебных пунктов;*

** ликвидацию маломощных, излишних и неэффективных учреждений здравоохранения с последующей передачей их в аренду либо в частную собственность;*

** создание условий, обеспечивающих приоритетное развитие платных услуг и частного предпринимательства в системе здравоохранения;*

** укрепление и повышение эффективности системы санитарно-эпидемиологической службы.*



***В итоге необходимо отметить, что независимость стала ведущей силой в осуществлении столь масштабных преобразований в системе здравоохранения страны. Реализация принятых правительственных решений и намеченных мероприятий позволит значительно повысить качество оказываемых медицинских услуг населению и в конечном итоге улучшить здоровье нашего народа.***

**Феруз НАЗИРОВ,**
**Министр здравоохранения Республики Узбекистан.**

*«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури амалда*

# ИНСОН ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА



***Халқ саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамиша ҳукуматимизнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб келган. Халқимизнинг сиҳат-саломатлигига, фарзандларимизнинг соғлом ўсиб-улғайишига, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга катта аҳамият берилмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони қабул қилинганидан сўнг, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича амалий ишлар қилиниб, ижобий ўзгаришлар юз берди. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири бўлган бирламчи тиббий ёрдам бўғинини ривожлантириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.***

Ўтган 1998-2006 йиллар давомида тизимда ўтказилган ислоҳотлар ва реструктуризация жараёнлари натижасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг содда ва иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган ҳамда сифат кўрсаткичларга асосланган янги тизими шакллантирилди. Натижада, қишлоқ аҳолисига бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатувчи ислоҳотлар талабига жавоб бермайдиган 83 та даволаш-профилактика муассасалари фаолияти тугатилиб, улар ўрнига замонавий қишлоқ врачлик пунктлари ташкил қилинди. Мазкур тиббиёт масканлари айни кунда аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Шунингдек, ўтган йил давомида тизимдаги даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Капитал қўйилма маблағлари ҳисобига 1-сон Республика касалхонасининг хирургия корпусида 383 миллион сўмлик мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 2003 йилда Республика "Она ва бола саломатлигини тиклаш" касалхонаси ўрнида "Чегарасиз шифокорлар" халқаро нодавлат гуманитар ташкилоти билан хамкорликда грант маблағлари ҳисобига сил касалликларининг мавжуд химиотерапевтик воситаларига чидамли бўлган турини даволашга ихтисослашган Ўрта Осиё мамлакатларидаги ягона 2-сонли Республика сил касалликлари шифохонаси ташкил қилинди ва энг замонавий тиббий-диагностика ускуналари билан таъминланди. 2005 йилда эса 2-сонли сил касалликларига қарши кураш шифохонасида қўшимча бинолар қурилди, иситиш тизими учун "Фералли" ускунаси ўрнатилди, 4 та "Небулайзер", 2 та кислород концентратори харид қилиниб, бактериологик лаборатория учун мутлақо янги ташҳис қўйиш "ВАКТЕК-MJIT" ускунаси ўрнатилди. 75 ўринга мўлжалланган ушбу шифохонадан йил давомида 200 дан ортиқ сил касаллигининг оғир турига чалинган беморлар даволаниб чиқдилар. Натижада, сил касалликларига ташҳис қўйиш лабораториялари ва рентгенофлюрокабинетлар имкониятлари яхшиланди.

Нукус шаҳар "Кызкеткен" посёлкасида жойлашган катталар сил касаллигига қарши кураш санаторийси 3-сон Республика сил касалликлари касалхонасига айлантирилди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида сил касаллиги билан касалланиш кўрсаткичи 138 дан 121 га, ўлим кўрсаткичи эса 30 дан 26 га камайди.

Шунингдек, Республика онкология диспансери қайта таъмирдан чиқарилди. Мазкур бинода жойлашган эндокринология диспансери бошқа бинога ўтказилиб, ўринлар сони 120 дан 180 га



кўпайди ва 2006 йил давомида бюджет маблағлари ҳисобига 1 та фибробронхосиоп, 1 та колонфиброскоп, УЗИ аппаратлари олинди. 1 та маммограф ва рақамли рентген аппарати эса Хитой Республикаси кредити ҳисобидан таъминланди.

Бундан ташқари, Республика кардиология ва наркология диспансерларининг қабул бўлимлари, В. Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган хирургия илмий марказининг Қорақалпоғистон филиали, Республика "Саломатлик" институти Нукус филиали бинолари ҳамда Беруний, Чимбой, Кегайли, Тахтакўпир, Қораўзак туманларидаги марказий шифохоналарнинг сув ва канализация тармоқлари қайта таъмирдан чиқарилиб, ушбу муассасаларда беморларни қабул қилиш, даволаш учун қулай шароитлар яратилди.

Тизимни ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши бўлган шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган давр мобайнида у ерда қайта таъмирлаш ишлари олиб борилиб, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминланди. Тез ёрдам хизматини яхшилаш мақсадида халқаро Оролни қутқариш жамғармаси Нукус филиали томонидан 10 та "Дамас-Амбуланс" тез ёрдам машинаси тизимдаги даволаш-профилактика муассасаларининг тез ёрдам хизматига, 3 таси эса Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиалининг тез ёрдам станциясига берилди. Шу билан бир қаторда, республикамизда фаолият юритиб келаётган "Билайн" уяли телефон тармоғи томонидан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиали тез ёрдам бўлимига 1 та "Газель" русумли микроавтобус берилди.

Ўтган 2006 йил давомида фойдаланишга топширилган барча ҚВПлар "Саломатлик-2" лойиҳаси томонидан қаттиқ инвентарлар билан таъминланди.

Осиё Тараққиёт Банкининг "Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш" лойиҳаси талаблари асосида барча туман туғруқ мажмуалари қайта таъмирланиб, даволаш-профилактика муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қаттиқ ва юмшоқ инвентарлар билан жиҳозланди.

Президентимиз ва республикамиз ҳукумати томонидан қабул қилинган Давлат дастурлари ижросига ижодий ёндошиб, кам таъминланган фуқаролар ва ногиронларга, яъни катаракта касаллигига учраган беморларни реабилитация этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда 162 нафар беморга сунъий кўз гавҳарини қўйиш учун интраокуляр линзалар олиб келиниб, йил давомида ногиронларга 100 фоиз сунъий кўз гавҳари қўйилди. Бундан ташқари, 11 та беморга ҳомийлар маблағи эвазига, 95 та беморга "МАШАВ" лойиҳаси ҳисобидан сунъий кўз гавҳари қўйилди ва Нукус шаҳридаги Республика кўз касалликлари шифохонасида офтальмолог мутахассислар томонидан катаракта касаллиги бор 262 нафар беморга жарроҳлик усули билан сунъий кўз гавҳари қўйилди.

Республикамиздаги ёлғиз, ногирон ва нафақадаги фуқаролардан 1879 нафари йил давомида икки марта тиббий кўрикдан ўтказилди. Касал деб топилган беморлар стационар, амбулатор ва уй шароитида даволанди.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли даволаш-профилактика муассасалари ҳамда Жанубий Корея мутахассислари, "Экосан" ва "Соғлом авлод учун" жамғармалари томонидан ташкил қилинган "Саломатлик поезди" билан келган малакали шифокорлар республикамизнинг 16 мингдан зиёд аҳолисини тиббий кўрикдан ўтказди. Зарур ҳолларда эса ихтисослашган стационар ёрдами кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий қилиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимидаги барча тиббиёт ходимлари, яъни шулардан 3525 нафар шифокор, 15499 нафар ўрта ва 4490 нафар кичик тиббиёт ходимларининг иш хақига 3 миллиард сўмдан зиёд устама ҳақи тўланди.

Республикадаги врачларнинг малакасини оширишга бўлган эътибор юқори бўлганлиги сабабли, уларнинг малака ошириши йилдан-йилга яхшиланмоқда. 2006 йили 700 нафардан ортиқ шифокор Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ўз билимларини бойитиб қайтди. Ҳамшираларимизнинг 2327 нафари Республика ўрта тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш маркази Қорақалпоғистон Республикаси бўлимида малака ошириддилар.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришганидан сўнгги 15 йил ичида тиббиёт ходимлари ўзларининг касб байрамини илк бор қонун асосида 12 ноябрь куни кўтаринки кайфият билан нишонладилар. 2006 йил 12 сентябрда Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини нишонлаш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг махсус қонуни расмий равишда тасдиқланди. Президентимизнинг тиббиёт ходимларининг касб байрамини тантанали равишда нишонланишига алоҳида эътибор қаратаётганлиги қалбимизни қувонч ва фахрланиш ҳиссига тўлдирди. Ушбу туйғу ҳукуматимиз ва Юртбошимизнинг халқ саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида хизмат қилаётган ҳар бир тиббиёт ходимининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатига бўлган ғамхўрлиги ифодасидир.



Аҳоли соғлигини сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, тиббий муассасаларни қишлоққа яқинлаштириш ҳамда қишлоқ аҳолисини оммавий диспансер кўригидан ўтказиш, энг муҳими, беморларга қулай шароитлар яратиш, тиббий ёрдамнинг сифат ва самарадорлигига эътиборни қаратиб, даволашнинг энг қулай, шу билан бирга самарали усуллари бўлган бирламчи тиббий хизматни ривожлантириш ҳамда ундан мақсадли фойдаланиш ҳисобига яхши самараларга эришиш бизнинг бош мақсадимиздир.

Юқорида айтиб ўтилган ютуқларга, албатта, республикамиз қонунлари, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари, хусусан, "Фуқаролар соғлигини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони "Сиҳат-саломатлик йили", "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Давлат дастурлари асосида эришилди ҳамда соғлиқни сақлаш тизими ишининг тубдан яхшиланишига сабаб бўлди.

***Эндиликда эса "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида кўзда тутилган эзгу мақсадлар сари жамиятимизда саховатли ишларни оммалаштириш, ўзаро тотувлик, меҳр-мурувватлилик, дўстлик фазилатларини янада мустаҳкамлаш баробарида фаолиятларни бошлаб юбордик. Асосий вазифамиз халқнинг саломатлигини муҳофаза қилиш экан, бу борада амалга оширилиши керак бўлган ишларга пухта замин яратиб, фақат сифат самарадорлигига эришишдир.***

**Маряш ТУРИМБЕТОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Соғлиқни сақлаш вазири.**



**7 АПРЕЛЬ – БУТУНЖАҲОН САЛОМАТЛИК КУНИ**

№ 13 (528) 2007 йил
3 апрель

Здравоохранение Узбекистана

2007 й
№ 3

Ўзбекистон Республикаси

Халқаро тараққиёт уюшмаси

ADB
Осиё тараққиёт банки

gain
Озиқланишни Яхшилаш Глобал Альянси

# «Саломатлик — 2»
# «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари



## «Health — 2»
## «Women and Child Health Development» and «National flour fortification programm» Projects

## Проекты «Здоровье — 2»
## «Укрепление здоровья женщин и детей» и «Национальная программа по фортификации муки»



# ҲАМЖИҲАТЛИКДАГИ УЗВИЙ БИРЛИК

Мазкур дастурни бажаришда асосий эътибор аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, мутахассисларнинг малакасини ошириш, болалар ва туғруқ муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш ҳамда аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш бўйича халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ишларига қаратилди. Бу борада, республика тиббиёт муассасаларида туғиш ёшидаги аёллар ва ўсмир қизларни тиббий кўрикдан сифатли ўтказиш, улардаги мавжуд касалликларни аниқлаш ва соғломлаштириш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олишда контрацептив воситалардан режали фойдаланиш каби масалалар тўғри йўлга қўйилди. Таъкидлаш жоизки, республикамизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларининг халқаро ташкилотлар билан кенг кўламда фаолият олиб борилаётганлиги ҳам бундан мустасно эмас.

***Ҳукуматимиз томонидан оналик ва болалик муҳофазасига бўлган эътибор ниҳоятда кучайиб бормоқда. Бу борада Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида самарали ишлар қилинмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги 242-сонли «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирларининг мақсадли дастури» асосида республикамиздаги мавжуд тиббиёт муассасаларида ижобий фаолиятлар ўз ифодасини топмоқда.***





Биргина 2006 йилнинг ўзида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан республикамиз вилоятларида оналик ва болаликни муҳофаза қилишга бағишланган 7 та илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ЮНИСЕФ, ЖСТТ, ЮНФПА ва ЮСАИД халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда вилоятлар миқёсида оналик ва болаликнинг муҳофазаси йўналишида 10 та дастур бўйича иш олиб борди.

2005 йилдан Ўзбекистон Республикаси ва Осиё Тараққиёт Банки ҳамкорлигида имзоланган битимга кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 ноябрдаги 515-сонли ҳамда 2005 йил 27 январдаги 34-сонли қарорлари асосида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда. Мазкур лойиҳанинг асосий мақсади, соғлиқни сақлаш тизими-



нинг бирламчи тиббиёт бўғинида олиб борилаётган ислоҳотларни қишлоқ ва шаҳар ҳудудларида кенгайтириш, иккиламчи тиббиёт бўғини тизимини мустаҳкамлаш, асосан, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини оширишга қаратилди.

Лойиҳа режасига кўра 2005-2007 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Фарғона, Тошкент, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларидаги туғруқ муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш ишлари амалга оширилади. 2008-2009 йилларда эса Андижон, Наманган, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида ҳам ана шундай вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Юқорида кўрсатилган 6 та вилоятдаги туғруқ муассасалари қайта таъмирдан чиқарилиб, элеткр энергия, сув, иситиш ва оқава тизими билан таъминланди. Ва улар айни кунда лойиҳа томонидан зарурий жиҳозларни кутишмоқда. Шунингдек, кадрлар тайёрлаш масаласида ҳам ўқув марказлари ташкил этилди.

Республика тиббиёт тизимида оналик ва болаликни муҳофаза қилишда Республика она ва бола скрининг маркази, Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти ва уларнинг вилоят филиаллари, репродуктив саломатлик марказлари ва бир қанча халқаро ташкилотларнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари туфайли оналар ва болалар ўлимининг кескин камайишига эришилмоқда.

Айниқса, қишлоқ врачлик пунктларидаги умумий амалиёт шифокорлари ҳамда оила ҳамшираларининг саъй-ҳаракатлари билан болалар ўртасида юқумли касалликлар кам учрамоқда. Уларнинг олиб борган тарғибот ва ташвиқот ишлари туфайли ҳомиладор аёллар ўртасида камқонлик, бўқоқ, қон босимининг ошиши, буйрак етишмовчилиги каби касалликлар бир мунча камайди. Оилада тиббий маданиятни ошириш борасида ўтказилаётган давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари ва тарқатма материалларнинг аҳолига етказилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бунда қишлоқ врачлик пунктлари билан бирга маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари, мактаб ва кенг жамоатчиликнинг хизматлари катта бўлмоқда.

***Ўйлайманки, ҳамжиҳатликда амалга ошираётган ишларимиз ўз маҳсулини бериб, келажаги буюк давлатимиз пойдевори бўлган соғлом авлоднинг дунёга келишида муҳим аҳамият касб этади.***

**Клара ЯДГАРОВА,**
**Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи.**




# МУШТАРАК МАҚСАД: ОНА ВА БОЛА СОҒЛИГИ

***Ўзбекистон Республикасида 2005 йилдан хукумат ва Осиё Тараққиёт Банки билан ўзаро имзоланган битимга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 ноябрь 515-сонли ҳамда 27 январь 2005 йилдаги 34-сонли қарорлари асосида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси амалга оширилмоқда.***

Лойиҳанинг асосий мақсади соғлиқни сақлаш тизими бирламчи тиббиёт бўғинида олиб борилаётган ислоҳотларни қишлоқ ва шаҳар ҳудудларида кенгайтириш, иккиламчи тиббиёт бўғини тизимини мустаҳкамлаш, хусусан, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини оширишга қаратилган бўлиб, муассасаларни тиббий жиҳозлар, асбоб-ускуна ва ашёлар билан таъминлаш, молиялаштириш ва бошқаришнинг янги усулларини татбиқ қилиш, мутахассислар малакасини ошириш каби тадбирлар учун жами 70 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ишлатилиши кўзда тутилган. Лойиҳанинг амалга оширилиши икки босқичда бўлиб, туғруқ муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш биринчи босқичда, яъни 2005-2007 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро, Фарғона, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида амалга оширилса, иккинчи босқичда (2008-2009 йиллар) Андижон, Наманган, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида амалга оширилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизими мутахассисларининг узлуксиз малакасини оширишни такомиллаштириш мақсадида барча вилоятларда ўқув марказлари ташкил қилиниб, жиҳозланиши, вилоятлар миқёсида тренерлар тайёрланиши кўзда тутилган. Ҳозирги кунда ҳукуматимиз томонидан аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишга катта аҳамият берилмоқда. Бу йўналишда лойиҳа доирасида амалий далилларга асосланган тиббиётни татбиқ этиш, клиник қўлланмалар ва стандартлар ишлаб чиқиш, сифатни бошқариш ва мониторинг қилиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Лойиҳа фаолият бошлангандан буён ўтган вақт мобайнида кўпгина ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро, Фарғона, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё вилоятларидаги туғруқ муассасаларининг электр, сув, иситиш ва оқава тизими билан узлуксиз равишда таъминланиш мониторинги шуни кўрсатдики, жиҳозланадиган жами 96 туман ва вилоят туғруқ муассасаларининг 81 таси (84,3 %) санитария қоидалари ва меъёрлари талабига жавоб берадиган тарзда таъмирланиб, жиҳозланиш учун тайёрланди. Бу ўринда маҳаллий ҳокимиятлар, ҳомийлар ва ҳар бир муассаса ходимларининг кўрсатаётган жонбозлиги, саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш лозим.



Барча вилоятларда патронаж ҳамшираларни ва 6 та вилоятдаги педиатр, акушер-гинеколог, неонатологларнинг узлуксиз малакасини ошириш ўқув марказлари ташкил этилди ва жиҳозлаш учун тайёрланди.

Туғруқ муассасалари ва марказий туман шифохоналари лаборатория хоналари мебеллар билан жиҳозланди. Ҳозирги кунда ушбу муассасалар учун тиббий жиҳозлар сотиб олиш жараёни амалга оширилмоқда.



Мутахассисларни ўқитиш бўйича бирламчи тиббиёт бўғини ходимларининг узлуксиз малакасини ошириш Концепцияси ишлаб чиқилди ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 31 август 379-сонли буйруғи билан тасдиқланди. "2006-2010 йиллар давомида бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари тиббиёт ходимларининг узлуксиз малакаларини ошириш тизимини ривожлантиришнинг асосий низом ва йўналишларини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғини амалга ошириш бўйича Тошкент, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида семинарлар ўтказилди.



2006 йил декабрь ойида барча ўқув марказлари учун жиҳозлар сотиб олиш бўйича шартнома тузилди. Шунингдек, ҚВП патронаж ҳамширалари фаолиятида зарур бўлган "Ҳаммабоп тиббиёт қўлланмаси" тиражини кўпайтириш кўзда тутилди.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти қошидаги далилларга асосланган тиббиёт Маркази лойиҳа томонидан узлуксиз интернет алоқаси, ашёлар ва бошқа офис анжомлари билан жиҳозланди. 2006 йилдан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш дастурларига тиббий хизматлар сифатини ошириш ва далилларга асосланган тиббиёт ўқув курслари киритилди.



Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Ўзбекистонда тиббий хизматлар сифатини ошириш ва далилларга асосланган тиббиётни ривожлантиришга бағишланган 2 та илмий-амалий анжуман ўтказилди. Шунингдек, Тошкент, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимлари учун тиббий хизматлар сифатини ошириш бўйича икки кунлик семинар ўтказилди.

Далилларга асосланган тиббиёт Маркази томонидан акушер-гинекологлар учун клиник қўлланма ("Артериал гипертензия билан касалланган ҳомиладорлар парваришини олиб бориш") тайёрланиб, синовдан ўтказилди ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланди. Бундан ташқари, яна иккита қўлланма ("Акушерликда қон кетиш", "Сепсис") тайёрланиб, ҳозирги кунда бир қатор туғруқ муассасаларида синовдан ўтказилмоқда.

Туғруқ ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасаларнинг хавфсиз, яъни жаҳон андозалари асосида тайёрланган сифатли қон маҳсулотлари билан етарли даражада таъминланишининг аҳамияти барчага маълум. Бу йўналишда лойиҳа доирасида хавфсиз донорлик қони билан таъминлаш мақсадида "2007-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида аҳолига қон қуйиш хизматини ривожлантириш концепцияси ва дастури" ишлаб чиқилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигига келишиш ва тасдиқлаш учун тақдим этилди. Ушбу концепция ва Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти тавсияномасига биноан Миллий қон марказини тузиш учун Республика қон қуйиш станциясини таъмирлаш режа-лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ҳозирги кунда реконструкция ишлари жадал равишда олиб борилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда қон қуйиш хизмати мутахассислари учун трансфузиология и гематологиянинг долзарб масалалари бўйича иккита илмий-амалий конференция ўтказилди. CDC ташкилоти билан ҳамкорликда жами 155 нафар қон хизмати мутахассислари ўқитилиб, уларнинг 20 нафари Тошкент шаҳри, 15 нафари Тошкент, 22 нафари Самарқанд, 14 нафари Жиззах, 14 нафари Сирдарё, 22 нафари Андижон, 22 нафари Наманган ва 26 нафари Фарғона вилоятларидан келган мутахассисларни ташкил этади. Донор куни оммавий ахборот воситалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари учун хайрихоҳ ва беғараз донорликни тарғибот қилиш бўйича брифинг ташкил этилди.

Замонавий қон марказларининг иш тамойиллари билан танишиш ва илғор тажрибани республиканинг қон хизматига татбиқ этиш мақсадида бир гуруҳ вазирликлар мутахассислари Гронинген шаҳрининг (Нидерландия) Қон қуйиш тиббиётини ривожлантириш ҳалқаро марказида бўлиб қайтдилар. Трансфузиология Қўмитасини ташкил қилиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи лойиҳаси тайёрланди ва келишилди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти йўриқномалари асосида қон қуйишга кўрсатмалар бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруғи лойиҳаси тайёрланди. "Қон одамлар хизматида" жамғармаси билан биргаликда хайрихоҳ ва беғараз донорликни тарғибот қилиш бўйича ахборот-ўқув материаллари ишлаб чиқилиб, 20 минг нусхада кўпайтирилди.

***Лойиҳада кўзда тутилган асосий мақсад, аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлашга қаратилган экан, амалга оширилаётган фаолиятлар тиббиёт тизимида сифат ва самарадорликка эришишни тақозо этади. Шу боис, барчамиз ҳамжиҳатликдаги ишларимизни меъёр даражасида олиб борсаккина кўзлаган мақсадимизга эришамиз.***

**Нигора ҚОРАБОЕВА,**
**«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси координатори.**

Семинар



# СПЛОЧЕНИЕ ЗНАНИЙ И ОПЫТА

***Улучшение качества медицинских услуг является важной задачей всей системы здравоохранения Республики Узбекистан. Определяющим фактором в продвижении современной методологии повышения качества (ПК) является разработка Национальной Стратегии ПК, где предусмотрен аспект распространения пилотных проектов по ПК.***

На сегодняшний день в Ферганской области в 9 районах осуществляется пилотные проекты по ПК с фокусом на анемию, гипертонию и интегрированное ведение болезней детского возраста (ИВБДВ). Кроме того, в Ташкентской и Навоийской областях, при поддержке проектов ЗдравПлюс, и Здоровая Семья идет распространение элементов ПК на основе опыта, накопленного в Ферганской области.



Проектом УЗЖД 26-29 марта 2007 года в городе Карши проведено обучение менеджеров здравоохранения Кашкадарьинской области областного и районного уровней основам повышения качества. В 2006 году семинары по повышению качества были проведены для менеджеров здравоохранения Республики Каракалпакстан, Бухарской, Ташкентской и Хорезмской областей.

В организации и проведении семинаров участвовали: центр подготовки ВОП ТМА – предоставлением тренера по ПК, проект ЗдравПлюс – обеспечением тренеров и материалов для семинара и ОБРП.

Участники были обеспечены раздаточными материалами, семинары проводились в интерактивном режиме с использованием аудио-визуальной техники, флип-карт, групповых работ, ролевых игр, ситуационных задач, был продемонстрирован видеофильм о внедрении методологии повышения качества в педиатрическую службу в Ташлакском районе Ферганской области.

Участники семинара проявили большой интерес и желание внедрять современные инновационные подходы по ПК в учреждениях здравоохранения для улучшения качества оказания медицинской помощи пациентам.

**Нигора КАРАБАЕВА,**
**координатор, специалист 1 компонента проекта УЗЖД.**



---

«Саломатлик – 2»
«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари

«Health – 2»
«Women and Child Health Development» and «National flour fortification programm» Projects

Проекты «Здоровье – 2»
«Укрепление здоровья женщин и детей» и «Национальная программа по фортификации муки»

Ўзбекистон Республикаси · Халқаро тараққиёт уюшмаси · Осиё тараққиёт банки · Озиқланишни Яхшилаш Глобал Альянси

2007 й. № 3

# МУҲИМИ ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРИШ

***Кейинги пайтларда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлган оналик ва болаликни муҳофаза қилишга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, бу борада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ҳам туб ўзгаришлар бўлиб, оналар ва болалар соғлиги йўлида эзгу ишлар амалга ошириб келинмоқда.***

Таъкидлаш жоизки, 2005 йилда Осиё Тараққиёт Банкининг «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси фаолият бошлагани ҳам бундан мустасно эмас. Мазкур лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш



вазирлиги ва ЮНИСЕФ халқаро ташкилотлари ҳамкорликда мавжуд дастурларни амалиётга жорий этиб келмоқда ва бу йўналиш бўйича муайян ишлар бажарилди. Шу давр мобайнида лойиҳа доирасида мен ҳам фаолият юритиб, керакли хулоса ва таклифларни беришни лозим деб топдим.

Республика перинатал марказида чақалоқлар реанимацияси бўлими мудири, неонатолог-шифокор лавозимида ишлаб, доимий равишда оналар ва болалар соғлигини сақлаш ҳамда чақалоқларни парвариш қилиш мавзуларида ўтказилаётган барча семинарларда иштирок этиб келмоқдаман. Бу йўналишда иш олиб бориш ҳар бир мутахассисдан юқори масъулият талаб қилади. Чунки, туғруқ жараёни ва ундан кейин ҳар қандай вазият юзага келиши мумкин. Жумладан, асфиксия ҳолати вужудга келганда етарлича ёрдам кўрсатилмаётганлиги янги туғилган чақалоқларнинг ўлимига сабаб бўлмоқда.

Бундай хавфсизликни олдини олиш мақсадида барча туғруқ муассасаларига мўлжалланган чақалоқлар реанимацияси бўйича 176-сонли буйруқ ишлаб чиқилди. Халқаро маслаҳатчилар ҳамда бизнинг маҳаллий мутахассислар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг 6 тажриба ҳудуди (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Фарғона, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри)да чақалоқлар реанимацияси ва парвариши бўйича ўқув курслари ўтказилди. Жойларда эса соҳа мутахассисларини ўқитиш мақсадида маҳаллий тренерлар тайёрланди. 2006 йилда мутахассислар билимини текшириш ҳамда бу соҳага янги технологияларнинг киритилиши бўйича мониторинг ўтказилди.

Хизмат сафари давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Фарғона ва Бухоро вилоятларининг туғруқ муассасаларида бўлганимда у ерда неонатал хизматнинг яхшиланганлиги ва касалланиш, ўлим ҳолати кўрсаткичи камайганлиги, хавфсиз оналик ҳамда болани кўкрак сути билан озиқлантириш усулларининг амалиётда бажарилаётганлигининг гувоҳи бўлдим.

Реанимация ва чақалоқлар парвариши масалаларига бағишланган семинарлар ўтказилиши натижасида мутахассисларнинг билим даражалари ошди. Шунингдек, юқоридаги вилоятларнинг туғруқ мажмуаларида қайта ва косметик таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Лекин ушбу муваффақиятлар билан бир қаторда айрим муаммолар ҳам мавжуд.

Туман марказий шифохоналарининг бўлимлари ҳамда вилоят туғруқ мажмуалари текширилганда ушбу масканлардаги олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмаслигига амин бўлдик. Айрим туғруқ муассасаларида хоналарнинг ҳарорати, шунингдек, иссиқ ва совуқ сув таъминоти, қўл ювиш краниари ҳам талабга жавоб бермайди. 10 дан ортиқ палата жойлашган қаватларда атиги 2 та ҳожатхона бор. Албатта, бу камчиликлардан кўз юмиб бўлмайди. Бунинг учун бор имкониятларга таянган ҳолда муаммоларни бартараф этиш ҳамкорликда иш олиб боришни талаб этади.

2006 йилда ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти ёрдамида чақалоқлар реанимацияси бўйича 1500 нафар мутахассис (акушер, неонатолог ва неонатал ҳамшира)лар ўқитилди.



Қайд этиш лозимки, айрим туғруқ муассасаларида иситиш столлари йўқлиги, реанимация жамламалари камлиги, ларингоскоп, иш материаллари ҳамда кислород билан таъминлаш ускуналарининг мавжуд эмаслиги учраб турибди. Вилоят туғруқ муассасаларида чақалоқлар реанимация бўлимларини ташкил қилиш, уларни керакли транспорт ва чақалоқлар интенсив терапия ускуналари, шу билан бир қаторда чақалоқлар хирургия хизматини яхшилаш, хирургия бўлимларини реанимация койкалари ҳамда малакали мутахассислар билан таъминлаш муҳим.



Фарғона вилоятидан ташқари, тажриба вилоятларида чақалоқлар реанимацияси хизматининг кўнгилдагидек олиб борилмаётганлиги ҳам ачинарли ҳол.

Неонатал хизмат сифатини янада яхшилаш мақсадида:

** туғруқ заллари ва палаталар ҳарорати керакли даражада бўлиши;*

** сув ва канализация билан таъминлаш;*

** барча хизматларни биргаликда, яъни катталар ҳамда болалар реанимацияси, кислород ва бошқа газлар билан таъминлашни йўлга қўйиш мақсадида операция хоналарини бир бинога жойлаштириш;*

** янги туғилган чақалоқлар интенсив терапия палаталарини барча керакли асбоб (катетер, зонд ва қўлқоп)лар, реанимация жамламалари, фотолампалар, 1-2 дона кувез ва нурли иссиқлик лампалари ҳамда пульсоксиметрлар билан таъминлаш;*

** янги туғилган чақалоқларда лаборатория текширув усулларини қўллаш;*

** янги туғилган бемор чақалоқлар учун уч бригадали транспорт хизмати: реанимобиль, транспорт кувези, транспортировка вақтида қўлланиладиган реанимация жамламаси билан таъминланиши зарур.*

**Малика УСМОНОВА,**
**«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳасининг неонатология бўйича маҳаллий маслаҳатчиси.**

Ўзбекистон Республикаси · Халқаро тараққиёт уюшмаси · Осиё тараққиёт банки · ADB · gain Озиқланишни Яхшилаш Глобал Альянси
2007 й № 3
«Саломатлик — 2»
«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш»
ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари
«Health — 2»
«Women and Child Health Development»
and «National flour fortification programm» Projects
Проекты «Здоровье — 2»
«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по фортификации муки»



## Фарзанд — бу сизнинг қувончингиз

***Азиз муштарий, бугунги сонда UNICEF ва UNFPA томонидан нашр қилинган «Ҳаёт учун далиллар» китоби асосида тайёрланган боланинг ривожланиши ва дастлабки билим олишига оид маълумотлар билан танишасиз.***

# БОЛАНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ДАСТЛАБКИ БИЛИМ ОЛИШИ

***1. Бола ҳаётининг 8 йили, яъни шундан дастлабки 3 йил давомида у оладиган ғамхўрлик ва диққат-эътибор ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлади.***

Бола ҳаётининг дастлабки йилларида кўрсатиладиган ғамхўрлик унинг ривожланишида асосий роль ўйнайди. Уни меҳр-муҳаббат билан парваришлаш, эркалатиш ҳамда нутқини ўстириш унинг ўсиб-улғайишидаги ҳис-туйғуларини оширади. Фарзанд доим она ёнида бўлиб, кўнгли тусаган пайтда кўкрак сутини эмса, у дуркун ва соғлом бўлиб ўсади.

Ўғил ва қиз болалар жисмоний, ақлий, ҳиссий ҳамда ижтимоий эҳтиёжларга, шунингдек, ўқиб-ўрганишда бир хил қобилиятга эгадирлар. Улар меҳр-муҳаббат, алоҳида диққат-эътибор ва маънавий мададга бир хил даражада муҳтож бўладилар.

Бола йиғлаган заҳоти уни қўлга олиб, эркалаб, тинчлантирадиган гап-сўзлар билан овутиш лозим. Чунки, бу унинг тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади.

Камқонлик хасталиги билан оғриган ва тез-тез касалланадиган болалар қўрқоқ, ҳадиксирайдиган бўлиб қолишади. Шунинг учун улар соғлом болаларга нисбатан инжиқ бўладилар. Бундай болалар билим олиш ёки тенгдошлари билан ўзаро муносабатда бўлишни ёқтирмайдилар. Шу боис, уларга оилада алоҳида эътибор қаратиш, керакли шароитларни яратиб бериш зарур. Болалардаги ҳиссиёт ва самимийликда жўшқин хусусият мавжуд. Агар бирор ишни бажармаса ёки ўзи хоҳлаган нарсани қўлга кирита олмаса, хафа бўлиши табиий. Бундай болалар бегона кишилар ва қоронғуликдан қўрқадилар. Агар у камситилса, жазоланса ёки эътиборсиз қолдирилса, хижолат бўлади ва уялганидан ўз ҳис-туйғуларини эркин айтолмайди. Шундай ҳолларда мураббийлар боланинг фикрларини тўлиқ тинглаб, яхши муносабатда бўлса, унинг кайфияти кўтарилади.

Жисмоний жазолаш ёки қаҳр-ғазаб билан муносабатда бўлиш боланинг ўсиб-улғайишига салбий таъсир кўрсатади. Қаҳр-ғазаб билан жазоланган бола кейинчалик зўравонликка мойил бўлиб вояга етиши мумкин. Бунинг учун болага керакли маслаҳатларни бериб, уни яхши гаплар билан рағбатлантириб бориш муҳим.

Ота-она сингари оиланинг бошқа аъзолари ҳам болаларни меҳр билан парваришлашда иштирок этишлари керак. Бу борада оилада ота зиммасига алоҳида масъулият юкланади. Оилада ота боланинг меҳр ва парваришга бўлган эҳтиёжини қондириши, таълим олиши ҳамда тиббий хизматдан фойдаланиши учун асосий куч ҳисобланади.

**2. Гўдаклар дастлабки сониялардан бошлаб, ҳаётга ўргана бошлайдилар. Улар алоҳида диққат-эътибор ва рағбатлантириш олиб турсалар ҳамда ўз вақтида витаминларга бой овқат истеъмол қилсалар, соғлом ўсадилар.**

Янги туғилган чақалоқ дарҳол онанинг бағрига қўйилса, фарзанд ва онанинг меҳри янада уйғунлашади.

Вақт ўтиши билан гўдакда ҳар томонлама ривожланиш бўлади. У атрофга боқиб, товуш, ранг ва ҳар қандай тасвирларга эътибор қаратади.

Бола ён атрофидаги оила аъзоларининг гапига қулоқ солганда, эркаланганда ҳамда таниш чеҳрани кўрганда ва турли нарсаларни қўллари билан ушлаганда унинг онги ўса бошлайди. Бола туғилганидан сўнг аста-секинлик билан ҳаётга кўникиб боради. Бунинг учун оила аъзолари у билан яхши муносабатда бўлиши, турли хил ўйинларни ўргатиши, ҳимоя воситаларини қўллаши муҳимдир. Ана шундай муносабатлар таъсирида ўсган ҳар бир бола оилада ва мактабда ўзини яхши тута олади ҳамда аъло баҳоларга ўқийди.

Гўдак ҳаётининг дастлабки 6 ойи мобайнида унга фақат кўкрак сутини бериш ва уни қўшимча тўйимли озуқа маҳсулотлари билан овқатлантириш, шунингдек, 2 ёшгача кўкрак сути билан боқиш давом эттирилади.

Ота-она ва ғамхўрлик кўрсатувчилар болани кўп гапга солиб, саволларига жавоб беришса, у ҳаётга тез ўрганади.



Шу билан бирга улар боланинг нутқини ривожлантиришда бадиий китоблар ўқиши ва қўшиқлар айтиб бериши керак. Гарчи болалар бу сўзларнинг мазмунини тушунмасаларда, ана шундай "суҳбатлар" уларнинг тил бойлиги ва билиш қобилиятларини ривожлантиради. Мураббийлар болалардаги қобилиятни ўстириш мақсадида турли томоша ташкил этиши, бирор нарсани ушлаб кўриши ҳамда ўйнаши учун уларга янги ва қизиқарли нарсаларни бериши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ҳиссиётга бўлган эҳтиёжларини янада оширади.

Гўдаклар ва ёш болаларни узоқ вақт қаровсиз қолдириб бўлмайди. Бу уларнинг жисмоний ва ақлий ўсиб-улғайишини секинлаштиради.

Қиз болалар ҳам ўғил болалар сингари озиқ-овқат, диққат-эътибор, ғамхўрликка бир хилда муҳтож бўладилар. Болалар бирор ишни ўрганаётганда ва янги сўзларни айтаётганларида, уларни рағбатлантириш ва мақташ зарур. Боланинг жисмоний ва ақлий ривожланиши талаб даражасида бўлмаса, ота-она ўз вақтида шифокорга мурожаат қилиб, маслаҳат олиши лозим.

Уларга дастлаб, ўз она тилини ўргатиб, мушоҳада юритиш ва фикр-мулоҳазасини ифода этиш қобилиятини ўстириш мақсадга мувофиқдир. Болалар тилни қўшиқ, оилавий воқеа-ҳодиса, шеър ҳамда турли ўйинлар воситасида тез ва осон ўрганадилар. Ўз вақтида эмланган ва тўйимли овқатланган боланинг ривожланиши яхши бўлиб, ҳар томонлама фаол бўлади. Боланинг соғлом ўсиши оиланинг иқтисодий сарф-харажатини тежайди, уни ҳар қандай касалликлардан сақлаб, ота-она учун ташвиш туғдирмайди.

***3. Болаларни турли хил ўйинларга ўргатиш ва рағбатлантириш. Жисмонан ва ақлан фикр доираларини кенгайтириш.***

Болалар турли ўйинлар билан машғул бўладилар, чунки, ўйин улар учун севимли машғулот, бундан ташқари, ўйинлар болаларга жисмонан чиниқишларида муҳим восита ҳисобланади. Турли ўйинлар болалар билимини ошириш билан бирга, қизиқиш ва қатъиятлилик сари етаклайди ва уларнинг сўзлашув кўникмалари, фикрлаш тарзи, режалаштириш, ташкиллаштириш ҳамда қарорлар қабул қилиш фазилатларини ривожлантиради.

Боланинг фикр-мулоҳазаларини диққат билан кузатиб боринг. Агар у бирор-бир нарсани ўзгаларнинг ёрдамисиз ёлғиз бажаришни хоҳласа халақит берманг. Чунки, у ўзи мўлжаллаган нарсани қўлга киритгунча ҳаракат қилиш орқали ўрганади. Бола хавф-хатардан ҳимояланган шароитда бирор-бир янги ва мураккаб нарсани уддалашга интилиши унинг фаоллашувида ижобий қадам саналади.

Болалар ривожланиш даврида турли хилдаги оддий ўйинчоқ нарсалар билан ўйнашлари керак. Дўкондан сотиб олинган ўйинчоқлар билан бир қаторда сув, қум, картон қутилар, тўртбурчак шаклидаги ёғоч бўлаклари, ўйинчоқ идишлар ва қопқоқлар ҳам яхши восита бўлиб хизмат қилади. Болалар ўйин давомида қобилиятларини мунтазам ўзгартириб, ривожлантириб борадилар. Мураббийлар бу ўзгаришларни ўз вақтида англаган ҳолда уларнинг тезроқ ривожланиши учун етарли шароитлар яратиб беришилари муҳим.

**(Давоми келгуси сонда).**

**Совместное бюро реализации проектов «Здоровье-2», «Укрепления здоровья женщин и детей».**
**Директор – Расулов Нуғмон Нигматуллаевич.**
**700007, г. Ташкент, ул. Паркентская, 51, ТашИУВ, Административный корпус, 3-й этаж.**
**Контактные телефоны: 68-08-19, 67-73-47.**
**Факс: 68-25-39, E-mail: office @ jpib.uz. com.uz.**

Лойиҳа материалларини
**И. СОАТОВА, Х. РАББАНАЕВ, Н. ТОЛИПОВ ва И. ИЛҲОМОВА** тайёрлашди.

O'zbekistonda sog'liqni saqlash · Здравоохранение Узбекистана

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир:
Нодир ШАРАПОВ
Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА

Таҳрир ҳайъати раиси:
Феруз НАЗИРОВ
Таҳрир ҳайъати аъзолари:
Бобур Алимов, Гавҳар Исломова, Омонтурди Миртозаев, Озода Муҳитдинова, Бахтиёр Ниёзматов, Абдураҳмон Носиров, Нурмат Отабеков, Холмурод Раббанаев, Рихси Салихўжаева, Намоз Толипов, Маряш Турумбетова, Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Фузайлов.

Манзилимиз: 700060, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қават. Тел/факс: 133-57-73, тел.: 133-13-22.
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йилнинг 6 декабрь куни руйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0015.
Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг сешанба кунлари чиқади.
Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Адади 8160 нусха. Буюртма Г-350.
Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Оператор-дизайнер: Намоз ТОЛИПОВ.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

Топширилди – 20.30. 2 3 4 5 6